

Practice



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

2020 йил " 5 " 06

№ 373/м

Тошкент ш.

"Қишлоқ хўжалигини механизациялаш"
факультети 3-босқич талабаларнинг
"Ишлаб чиқариш" амалиётини
ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3702-сонли қарорлари ва йўл харитасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" 3-курс 5430100 - "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш" 5111020 - Касб таълим (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) ва 5430300 - "Қишлоқ хўжалиги ва меппаратив техникалари техник сервис" бакалаврият таълим йўналишлари талабаларини ишлаб чиқариш амалёти 2019-2020 ўқув йили ўқув жаарабни жадвалига мувофиқ 2020 йил 22 июндан 2020 йил 1 августгача бўлган муддатда карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилсин.

2. Ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун талабаларга амалиёт раҳбарлари ва талабалар рўйхати 1-иловага мувофиқ тайинлансин.

3. Амалиёт раҳбарларига:

- талабаларни амалиёт ўташ жойларига тақсимлаш;
- амалиёт даврида талабаларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни ва меҳнат интизомини таъминлаш;
- амалиёт дастурига ва карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш;
- амалиёт режасига биноан топшириқларни бажариш ва амалиёт ҳисоботларини ўз вақтида топширилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси мудирини Т.Хайдаровга талабаларни амалиёти олдида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича online шаклда тушунтириш ишларини олиб бориш, йўриқномалар бериш ва ўрнатилган тарзда расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Ишлаб чиқариш амалиёти бўйича талабаларнинг расмийлаштирилган электрон ҳисоботларини 2020 йил 22 августгача қабул қилиш "Қишлоқ хўжалиги машиналари" ва "Тракторлар ва автомобиллар" кафедраларидан тайинланган амалиёт раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

6. Кафедранинг амалиёти натижалари бўйича ҳисоботлари 2020 йил 29 августгача Ўқув-методика бошқармасига топшириш "Қишлоқ хўжалиги машиналари" кафедраси мудир К.Астанакулов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур буйруқни ижросини таъминлаш маъсулияти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети декани Қ.Шоғазовга юклатилсин.

8. Буйруқни бажарилиш назорати Ўқув ишлари бўйича проректор Б.Худаяров зиммасига юклатилсин.

РЕКТОР



Ў.ҲАМИДОВ